

**Коррупция фактларига доир мурожаатларни кўриб чиқиш
натижалари ҳақидаги 2021 йил даври учун
ҲИСОБОТ**

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигига 2021 йил давомида жами 2 та мурожаат келиб тушган, булардан:

1. 2021 йилнинг 25 октябрь куни фуқаро Р. Иномов томонидан ёзилган мурожаат Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигига келиб тушди, белгиланган тартибда Агентлик тизимида коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати бўлими 1-тоифали мутахассиси О. Дустмухамедов ҳамда “UzTest” ДМ комплаенс назорати ходими Р. Юнусов билан ҳамкорликда мурожаатни ўрганиб чиқиш натижасида қуйидагилар аниқланди.

Мазкур мурожаат бўйича агентлик томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунининг 26-моддасига асосан мурожаат қилувчини эшитишни ташкил этиш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида, ушбу мурожаатнинг “Жўнатувчи манзили” қисмига Жиззах шаҳри, “Заргарлик” маҳалласи, 27-уй, 14-хонадон деб ёзилганлиги маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрь кунги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунининг 24-моддасига мувофиқ, мурожаатнинг жойига чиқиб ўрганиш мақсадида, юқорида кўрсатилган манзилни аниқлаш учун Жиззах шаҳри, “Заргарлик” маҳалла фуқаролар йиғини раиси С. Мелибоев ва 27-уй бошқарувчиси (домком) З. Усмонқуловларга мурожаат этилди, мурожаатга жавобан “Заргарлик” маҳалласи, 27-уй, 14-хонадонда Р. Иномов истиқомат қилмаслиги ва Норкузиева Розия Исоковна 1990 йилдан буён истиқомат қилиши ва мулк эгаси эканлиги аниқланди. Мазкур иш юзасидан далолатнома расмийлаштирилди ҳамда фуқаро Р. Иномов томонидан ёзилган мурожаат Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига асосан “аноним” деб ҳисоблаш ҳамда ушбу Қонуннинг 29-моддасига асосан уни кўрмай қолдилиши юзасидан хулоса расмийлаштирилди.

2. Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ҳузуридаги “Ўзбекистон миллий метрология институти” Давлат Бекобод филиали томонидан метрологик хизматлар, шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, идоравий меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши ҳамда ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнининг тўғрилиги ва қонунийлигини текшириш мақсадида хизмат текшируви ўтказилди ва ўрганишлар натижаларига

кўра “ЎзММИ” ДМ Бекобод филиали ходимларига нисбатан қуйидаги жазо чоралари қўлланилди.

- Бекобод филиали бошлиғи в.б Б. Исроиловга нисбатан Узбекистон республикаси Мехнат кодексига асосан, "хайфсан" интизомий жазо чораси қўлланилган;

- Бекобод филиали Ўлчаш воситалари устидан метрологик текширув бўлими бошлиғи Э. Юлдашев лавозимидан озод қилиниб шу бўлимнинг 2-тоифали мутахассис лавозимига ўтказилди;

- Бекобод филиали Ўлчаш воситалари устидан метрологик текширув бўлими 2-тоифали мутахассиси Ш. Усмонқулов билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган;

- Бекобод филиали бош ҳисобчиси М. Холиқова Мехнат кодексни 181- моддаси 2-банди билан ноябр ойлик иш ҳақидан 20% миқдорда жарима қўлланган;

- Ходимлар бўйича бош мутахассиси Н. Бердиева Мехнат кодексни 181- моддаси 2-банди билан ноябр ойлик иш ҳақидан 20% миқдорда жарима қўлланган.